

ШАРТНОМА № 7/11

2022 йил «16» ноябр

Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Фарғона вилоят Кува тумани Вилоят Оналар ва болалар реабилитация шифохонаси** номидан рахбари **А.Ю.Тешабоев** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **STARS SEVEN FLOORS** маъсулияти чекланган жамияти номидан низом асосида иш кўрувчи рахбари **М.Абдурахмонова** иккинчи томондан, узаро **“Фарғона вилоят Кува тумани Оналар ва болалар реабилитация шифохонаси”**ни ЛСХга асосан бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномаларга асосан: **“Фарғона вилоят Кува тумани Оналар ва болалар реабилитация шифохонаси”** лойiha-смета хужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда кабул қилиб олиб, туловларни амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар) лойiha-смета хужжатларига асосан барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда (**ККС била**) жами **34 500 000 (Уттиз тўрт миллион беш юз минг)** сумни ташкил этади.

Бунда ККС солиғи суммаси **4 500 000** сумни ташкил этади.

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча келишув (битим) расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилгандан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини 30 % миқдоридан аванс туловини «Пудратчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган холда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.2. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган холда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойiha-смета хужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилди ва бажарилган ишлар буйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини ва ҳисоб фактураларни кабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар уз маблағи ва уз қучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ КУЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулик коплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажариллиши лозим булган таъмирлаш белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар кийматини 0.5% микдоридан хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан туловлар уз муддатида амалга оширилмаса туланмаган суммани 0.4 % микдоридан хар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси утказиб берилмаган маблаглар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман еки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошка енгиб болмас куч холатлари натижасида келиб чикса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

8.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабр кунига қадар амал қилади.

8.2. «Пудратчи» томонидан бажарилган таъмирлаш ишлари «Буюртмачи» томонидан сифатсиз деб топилганда ёки «Пудратчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, бандлари бажарилмаганда шартнома «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартнома бекор қилинганлиги тўғрисида «Буюртмачи» «Пудратчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

9. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

9.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодиёт судлари орқали хал қилинади.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилади, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб, томонларда бир нусхадан сакланади.

9.3. Шартномага барча ўзгартиришлар икки томонлама келишилгач, ҳудудий Ғазначилик бўлини маси (бошқармаси) дан ўтказилгандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

Фаргона вилоят Кува тумани Оналар ва
болалар реабилитация шифохонаси

«ПУДРАТЧИ»

STARS SEVEN FLOORS МЧЖ

Кува тумани, А.Ясавий куч. 98 уй

ШХВ 4003 2186 0302 1870 7310 1054 001

Бюджетдан маблаг олувчи

СТИРи-203590859 ОКОНХ 91511

Ўз.Рес.си Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/в 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ХККМ

МФО-00014 СТИР-201122919

Рахбар

А.Ю.Тешабоев

Шакарқишлоқ МФЙ, Тарона

кучаси, 16/11-уй, 33-хонадон

Хамкорбанк Кувасой филиали

х/р: 20208000105566210001

МФО: 01003

ИНН 309849139

Рахбар

М.Абдурахмонова

хуқуқшуноси

О, Абдусатторова